

УМИДА ХУДОЙБЕРГАНОВА

ЁФДУ

Шеърлар

Тошкент
«Янги яср авлоди»
2007

84(5y)6-5

Шеър фақат илҳомга тўлиб-тошган онларнинг ташрифи эмас —
бу гўзал лаҳзалар ўлкасига сафарга чиқиш ҳам лозим.

Шеър ёлғиз соғинчнинг ўзигина бўлиб қолмай, ҳақиқатга энтиқ-
кан дилларни унутмаслик керак. Ана шу икки қутб бирлигидаги хотира-
да муҳрланиб қоладиган сатрлар туғилади.

Шоира Умида Худойберганова ташбеҳлар орқали ўша унугилмас
туйғуларни тараннум этади.

| | | |
|----|--------|-----------------|
| 20 | 08 | Alisher Navoiy |
| | A 1123 | nomidagi |
| 20 | | O'zbekiston Mif |
| | | nomidagi |
| A | 1123 | O'zbekiston Mif |

HD 33136
Ogj

ISBN 978-9943-08-082-9

© Умида Худойберганова. «Ёғду». «Янги аср авлоди», 2007 йил

РУХИЙ ЛАҲЗАЛАР ТАСВИРИ

Назаримда, инсон фақат шеърга айланган сўз билан, санъат билан ўзини ва оламни таниши мумкин. Ҳар бир ҳақиқий шеър бу — руҳ, қалб тасвири. Қалбни тушунтириб, талқин ва таҳлил қилиб бериш мумкин. Аммо уни тасвирлаш, унинг мўъжизалари, илғаб бўлмас кечинма-лаҳзаларини шеър тили билангина куйлаш мумкин. Ҳар бир шоир бу туйғуларни қайта кашф этади, куйлайди. Лекин у аввалгиларини қайтармайди. У янги күйчи, янги қақнус қуши бўлиб куйлайди. Шу орқали у ўзини, ўз руҳининг илоҳий сирларини кашф этади. Ва бу кашфиёт ўнлаб, юзлаб одамларнинг қалбини эгаллаб, уларнинг руҳини жунбушга келтиради, англамаган ҳолатлар, лаҳзалар моҳиятини англатиб, ҳузур бағишлайди, инсоннинг ички, руҳий олами қанчалик бой, теран эканлигини намойиш этаверади.

Умida Худойберганова шеърларида ана шу руҳият манзаралари, қалб талпинишилари, дардли лаҳзалари ниҳоятда нозик ифодаланганига гувоҳ бўлдим. Шоиранинг ҳислари учар юлдузнинг нурли изидай ялт этиб қалбингизни “чизиб” ўтади. Муҳаббатнинг ҳеч ким айтиб бўлмас, фақат бир қарашда, фақат бир имо ёки нозик ҳаракатда ошкор бўладиган лаҳзалари, интиқлик ва соғинч изтироби мавжи акс эттирилади.

Яширди кўзининг тўрига ёшни,
Мағрургина кўтарди бошин,
Ва кулди!..
Ҳамма ўйлади: у қандай баҳтли!

Аламини ичига ютиб зоҳиран бирорга ошкор қилишни истамаган фурурли одамнинг ҳолатига чизги берилган. Умиданинг шеърлари қисқа-қисқа, аммо тасвир аниқ ва бўлиқ, таъсирчан. Баъзан қофиялар тўлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳам кўринади. Аммо, негадир бу сезилмайди. Чунки сўзлар рангларга айланиб манзара чизади, мисралар бир-бирини кўллаб, янги маъноли ифода — образларни яратади ва шуури-мизда муҳрланиб қолади.

Таптақир, на сүз, на соз, на майл,
Саҳрода ястаниб боради күнгил,
Умидсиз, иложсиз, ёлғизлик ичра,
Сингиб күзлардан борар йўқотиб.

Бу мисраларда ёлғиз дилнинг мададга, меҳрли нигоҳига муштоқ,
маҳзун кўриниши акс эттирилган. Аммо Умиданинг шеърлари фақат-
гина маҳзун дамлар тасвиридан иборат эмас, унда умид ва армон,
шодлик ва ғам ёнма-ён келади. Яъни тирик, шу замонда ва маконда
яшаётган инсонларнинг кечинмалари ўз ифодасини топади. Шоира-
нинг поэтик кашфиётлари анча. Умиданинг шеърларини ўқиб шундай
фикрга келдим: ёшларимиз тобора бадиий ижоднинг янги-янги сарҳ-
адларини очаяптилар. Янги усууллардан, имкониятлардан фойдалан-
моқдалар.

Мен бу истеъдодли қизга улкан ижодий муваффақият тилайман,
ижоди баракали бўлсин дейман.

Н.КОМИЛОВ,
профессор, филология
факулати доктори

*Волидаи муҳтарамам Аля КАРИМОВАниң
ёрқин хотирасига бағишлайман.*

Тонглар ҳайрон сизни тополмай,
Офтоб ҳалак меҳр ололмай,
Сабр синган сизча бўлолмай,
Ор-номус кимла бўйлашгай...

* * *

Онахоним!..
Умр етмас тулашга ҳаққин,
Уэрли бош эгилар доим,
Кўзларига тўқнашса кўзим,
Шафқатидан дилим бўлар қон.
Бутун дунё қораласа ҳам,
Кечиради мени бир Онам!
Индамасдан тушуниб қалбим,
Ич-ичидан йўлимни сўрар...

БИЛМАДИНГ...

Тикилдинг, тикилавердинг...
Күзларимдан маъно қидириб.
Кўз дengизида паришон ақл,
Сузиб юрар эди малолсиз.
Ясагинг келди мендан фаришта,
Хом сут эмган бандаси эдим.
Бир кун гуноҳ, бир кун савобга,
Бу дунёда мушарраф эдим.
Пойимга гулдаста ташлаб,
Мадҳияга кўммоқ истардинг.
Аммо билмадинг, билолмадинг...
Тиканларда ўсган қизчанинг,
Гулларга ҳеч қолмаган зори.
Дўқ-хавфларни енган қушчанинг,
Мақтовлардан баланд парвози.

ХАЁЛ УЙГОҚ

Уйгоқ ётади хаёл,
Тун ила сирлашиб,
Севги тарихини жимгина сўзлаб,
Хаёллар тунга алла айтади.
Замин бешикка борар айланиб,
Шилдирап дарё, жимиirlар тўлқин,
Боғлар, ўрмонлар жим қулоқ солар,
Бу қиссадан замин дам олар.

СУКУНАТ БЕКАТИ

Ақл чарчади, ҳориди хаёл,
Бир бекатда туралы хомуш,
Ҳалақит бермас унга на шамол,
На япроқнинг оёқ ўпиши.

* * *

Не керак сенга вужуд бенуқсон,
Аллоҳим сени яратган якка,
Янағам бошингни эгасан хомуш,
Қайғу ҳижобига ёпиниб ёлғиз.

* * *

Кўнгил ғариблик ичида вайрон,
Орзу тунлари сўқилиб битган,
Ёлғонлар ичида хаёл паришон,
Булардан бир чинни тополмай ҳайрон.

* * *

Бошини эгди шамол оҳиста,
Кўк юзидан ёғилди ёмғир,
Замин эркаланди.

СЕНСИЗ КУН БОТМОҚДА

Сенсиз кун ботмоқда...
Фамгин ўйлар чарчоқ бошини
Уфқа қўяр, уфқни тутар оҳ!
Ошиқлигин бўйнига олган
Юрак юм-юм йиғлайди noctor.
У билади, у ахир маҳкум
Айрилиқда сени севмоққа,
Хижронларда баҳтли бўлмоққа!

МЕН КЕТАЖАК ЮРТ ОДАТИ СУКУТ

Софинч йиғлар ёлғиз кўнгилда,
Осмонига қараб девона,
Бўзлаб чопар изимдан севги:
«Ташлаб кетолмайсан... барибир»,
Олишаман, аврайман қанча,
— Кетгин жоним нотинч юртингта,
Кетгин пича ором олайин,
Ўз эркимда бироз қолайин.
— Ором қайда ахир севгисиз,
Юрагингнинг олови сўнар,
Адашмагин бу йўл билгисиз,
Баҳтлар фақат шу ерда унар.
— Кет, кетақол қайғурма мендан,
Кўп узлатда баҳтин топганлар.
Мен кетажак юрт одати сукут,
Унда гулу тонг йўқотганлар.

АЁЛ БОШИМ БИЛАН...

Аёл бошим ила қачонгача мард бўламан,
Нозик ниҳол этиб яратилдиму.
Тош бўлиб ҳар ёна бош ураман,
Ўзим тоғман, ўзим туфроқ,
Ўзим шоҳман, ўзим гадо,
Гоҳ боламан, гоҳо қари,
Гоҳо...Надур қисмат охири.

БУЛУТЛАРГА СУЯНГАН ЮЛДУЗ

Сокин тун сўзлар эртагин,
Тинглаб ётар қушлар инида,
Сузиб юрар кўкда оймома,
Булутларга суюнган юлдуз,
Уйқуга чўмган, чарчаган кундуз.

* * *

Сиз қоласиз маъюс кузатиб,
На куласиз ва на йиглайсиз.
Бир хотира қолар сарғайиб,
Ўша-ўша кунлар ёд-ўйи.

ЮРАГИМ ОСТОНАСИДА

Юракни ёрмоқни истайди қувват,
Сир-синоат исёнга келган,
Эҳтирос жунбушдан қутулмоқ истар.

* * *

Юртим остонасида
Қишила баҳор кўришар,
Совуқ билан илиқлик қоришиб,
Дилни қитиқлайди ажиг бир иқлим.

* * *

Юрак, типирчилама,
Куйма, ўртама,
Сабр қил, ўз ҳукминг ўқилиб қолур!

УМИДИМ УХЛАЙДИ

Қўлимни чўзаман дард чеккан маҳал,
Ҳавода қолади қўлларим.
Устига-устак келса машаққат,
Суянсам дейман,
Йўқ менинг тоғим!
Кўзимдан ёшлиар тинмай оққандо,
Артгали йўқ ёнда дардкашу ёrim,
Тунлари... Ёнимда ширин қимтиниб,
Умидим ухлайди тушларин кўриб.

* * *

Омонат бахт, омонатинг ол,
Совғаларинг ордона қолсин,
Надоматга қолиб кетгандан,
Ёлғизлигим минг бора яхши.

* * *

Азизим, ҳижроннинг куни битмоқда,
Менга сабрнинг муддати тугаб,
Азоблар мендан қўлин тортмоқда,
Тан олиб ўзининг енгилганини.
Касалдан ойилган¹ одамдай ҳорғин,
Севгим қаршимга келиб ўтирас.
Лайли-Мажнун қиссасин сўзлаб,
Маъюс кўнглим ухлатиб кетар.

* * *

Офтоб нурларин сочар беминнат,
Илиқ саболар эркалар юзни.
Майсалар қутлар янги кунимни,
Бахт мен ила қадам ташлайди.
Кўзимда ўзгалар бахтидан юққан,
Кўнглим равшандир сенинг кўнглингдан.
Мен куй бўлиб келяпман, қара!
Мени қарши ол, садқа бу жоним.

¹ турған

* * *

Қор ёғмоқда эринмай секин,
Қиши ҳам сүнгги күйин чалмоқда.
Күйга монанд сирли туйғулар,
Видолашув рақсими үйнар.
Бир севгининг қиссасин ёзиб,
Қаламим сиёҳи тугаб бормоқда.
Қўним топмай оромсиз севгим,
Қор остида қолиб кетмоқда.

* * *

Менга метин қалқон қолдиринг,
Ҳижрон наизаси урилиб синсин.
Бир қанот ясанг қучай кенгликни,
Заминга ёйилсин дард-ҳасратларим.
Кўзлардаги ёшни ютаман,
Айрилиққа сабрим тутаман.
Энди сизни ётларга бериб,
Ёлғизликнинг йўлин тутаман.

* * *

Уйқудан уйғондим! Очилди кўзим,
Соддалик дунёси қолди орқада.
Мен ҳаёт кўзига тик қараб қолдим,
Макр-ҳийлалар саҳнасин қуарар...

* * *

— Чиройлисиз,
— Бу Аллоҳники,
Ўзи бериб, ўзи олади.
— Муғамбирсиз,
— Бу замонники,
Уни ўзинг оласан сотиб.

* * *

Мени нигоҳингда асралинг шунча,
Йиллар ҳам ўтдилар тутқинлик ичра.
Мен сенга юракдан ажратгандим жой,
Чиқолмассан энди ундан ҳойнадој.
Қутилмоқ истасанг мендан умрбод,
Нигоҳингда буткул тўхтасин ҳаёт.

* * *

Биз энди бегона бир-биримизга,
Муҳаббатнинг юки кетган кўнгилдан.
Мен сизга боқаман оғринмай, эркин,
Сиз менга қарайсиз эҳтиром билан.

* * *

Денгиз соҳили... Пишқирап тўлқин,
Тошларга урилар ҳайқириб қўйиб.
Соҳилни ўпади сокин тўлқинлар,
Ер аста тутади шўр пешонасин.
Денгизнинг тубидан дардли сас келар,
Нолалар тортади ёш кетган жонлар,
Севги азобига қурбон бўлганилар,
Абадий бир куйни чалиб ётади.

* * *

Сизсиз... Суҳбатлар суҳбат эмасдур,
Кўнгил эшиклари қаттиқ бекилур,
Сизсиз... Ҳақиқатга парда тутилур,
Ёлғонлар хазондай тўкилур.
Сизсиз... Фасллар файэсиз ўтадур,
Қўшиқлар навосиз, ишқсиз, оромсиз,
Сизсиз... Кунларимдан маъно кетадур,
Кўнглим бўм-бўш қолар қайғусиз, ғамсиз,
Сизсиз ҳисларимга гумон отилур,
Ёлғонлар келади қайдан шайланиб,
Ишончга, умидга тошлар отилур,
Сиз қачон келасиз баҳтга айланиб.

* * *

Булут күз ёшларин заминга түкди,
Баргларга илиниб қолди ҳасратлар,
Япроқлар эгилди дардга чидамай,
Дув этиб түкилди ерга томчилар.
Ох, ер олди, кучли эди ер,
Күксиса неча дард бедор ётарди...

* * *

Қор ёғади, зриниб сөкін,
Пардек оппоқ түр тушар ерга.
Бир жунжикіб ер қучар уни,
Қор эрийди ернинг меҳридан.

КЕЛЯПСИЗ...

Келяпсиз... Бир олам қувонч күтариб,
Софинчим югуриб чиқар қаршилаб,
Борлиғим мұхаббатға бўлди айланиб,
Бир қулоқ гул бўлиб Сизни кутялман!
Келяпсиз...
Ҳижрон қафасидан қутилар юрак,
Озодлик муборак икков ошиққа!

* * *

Андиша отини қүрқоқ қўймадим,
Кўнгилга тош отмай дедим, ўтказдим.
Қасдма-қасд бормадим, Худога солдим,
Кечирдим барисин, ўзим қутқардим.

САБР — РАҲНАМО

Бир-бир ёпиб нафс эшигин,
Кўзлар, вужуд, кўнгил тинчисин.
Нурли йўлларга бошлигин пиrim,
Гина-араз чилларчин синсин.
Бир-бир ёпиб нафс эшигин,
Кўзлар, вужуд, кўнгил тинчисин.
Кетсин ғараз-кин,
Менга энди,
Раҳнамодир сабр-қаноат.

БУ КЎЗЛАР

Бу кўзлар... Таърифга сўзлар ҳам ожиз,
Қалам журъат этмас бир ҳарф битмоққа.
Нигоҳмас, бу руҳнинг сирли жилваси,
Қалбинг тўрига кирап берухсат.

Ёлғызлик, бахтсизлик түнини ёпиб,
Тун остида ўтираман жим,
Бошим эгик, қаддим дол бугун,
Умидимни қўйдим йўқотиб.

ЯНГИ БИР ЭРТАК

Баҳс қилмайман, тортишмайман ҳам,
Бахт ҳақида сўз очишганда.
Кузатаман, қизиқ томоша,
Тўқилади янги бир эртак.

Қалбга олдин меҳр экмасдан,
Сўрашарлар меҳрибонликни.
Болаликдан тош тегавериб,
Қавариқли қалбдан чиқмас сас!

БУ УЙДА...

Эр-хотин белгилар уйнинг бахтини,
Чиқишимаса, уйдан учар бахт қуши.
Давлат ҳам қайтади бўсаға ошмай,
Кулмайди ҳеч ким кулмаса улар.

* * *

Сиз төгсиз, биз туфроқ сизни күтартган,
Сиз боғсиз, биз энди күкарған майса,
Сиз олис-олисларга боқасиз якка,
Биз күкка, Аллоҳға қиласиз сажда.

КУЗ КҮНЛАРИ

Куз күнлари тугаб бормоқда,
Фамгин сүзлаб муҳаббатимни,
Варақлар ҳам сарғаймоқда,
Үз-үзига битиб изҳорни.
Сиз билған, мен билған сирни,
Дил туни ила яшаб ўтмоқда.
Күплар эрмак қилған түйғуни,
Эртасига асраб қўймоқда.

* * *

Бир фаришта яшайди тилсиз
Кўзларда, нигоҳда, вужудда пинҳон,
Бир фаришта яшайди тилсиз,
У кўнгилда қурган таҳтини,
Мамлакатин бошқарар сўзсиз,
Итоатда барча фуқаро -
Ғазаб, туйғу, ўю хаёллар,
Хизматида гўзал санамлар,
Одоб-икром бари фазилат.
Бир сир мавжуд унинг кўксида,
Ўсиб борар кунлар ўтказиб,
Юрагида дардни кўкартиб,
Муҳаббат, деб атаб қўйишган.

ЯПРОҚЛАР ТЎКИЛАР

Япроқлар тўкилар, йўлаклар тўлар,
Оёқ ости бўлар оғринмай,
Қанча хоҳиш-истаклар ўлар,
Ердек оғир ҳукм остида.

АВЛИЁГА ЎХШАБ БОРАСАН

Интиқ қалблар сўзлашмай ўтса,
Фақат кўзда қотса мұҳаббат,
Ишқ юракда яшаса ёлғиз,
Девонавор севсанг пинҳона,
Авлиёга ўхшаб борасан...
У қисинса, қайғуга ботсанг,
Ич-ичингдан ўртансанг жим,
У кимнидир ардоқлаб севса,
Сен ҳам унга шайдо бўлолсанг,
Авлиёга ўхшаб борасан...
Унга омад келса, қувонсанг,
Қайғу келса ўртанса дилинг,
Кўзларида баҳтлар кулганда,
Ва шу баҳтлар меники десанг,
Авлиёга ўхшаб борасан...
Файрликлар кўрсанг у учун,
Уни десанг шунда ҳам танҳо,
Ишонсанг сен — тун сўнгидир кун.
Ҳисларингта бўлолсанг подшо,
Авлиёга ўхшаб борасан...
Интиқ қалблар сўзлашмай ўтса,
Фақат кўзда қотса мұҳаббат,
Ишқ юракда яшаса ёлғиз,
Девонавор севсанг пинҳона,
Авлиёга ўхшаб борасан...

БИР ПОКЛИК ИЗЛАБ

Кунлар алдоқчи, тушларим ёлғон,
Гүё ёлғон ёғилған ерга.
Боқишилар сохта, номига кулиш,
Севги ўйинчоқ, эрмак яшашга.
Бир поклик излаб толаман ұар кун,
Сүзлардан маңын, дунё ростини,
Дунёдан рози дилни тополмай,
Ёлғонга сотилиб кетарман бир кун.

Севгидан кечдиму, сендан кечолмадим,
Истакни енгдиму, ўзимни енголмадим.
Сирларим кўпу, сирдошим тополмадим,
Йўлим топдиму, йўлдошим тополмадим.

Яшаш мумкин...
Ўзни ўлдириш гуноҳлигидан,
Чидаш мумкин...
Сабринг косаси тўлиб кетгунча...
Алданиш керак...
Гулга, баҳорга, севгига, баҳтга
Дунёдан ўтгунча !

* * *

Нигоҳинг залвори олдинги эмас,
Кўнгилнинг истаги сўнмоқда секин,
Боғланган иплар ҳам бир-бир узилиб,
Яна озод қушга айланаман тез.

* * *

Азизим, бир сўз де, кўнгил тинчисин,
Кўйингда ўртанган туйгулар ўлсин.
Севгилим бор менинг, юрак банд дегин,
Сенга боғланган иплар узилсин.
Азизим, жимсан, сукут чўзилар,
Дилда азоб дараҳтдай ўсар.
Беқарор қолган бугун тан-руҳим,
Қарашингдан доим севгини уқиб...

* * *

Вақтнинг ўткир тишлари
Сабримни тифлар, ўткирлар.
Ҳижроннинг ёши улғайиб,
Мұхаббатдан дарс берә бошлар.

* * *

Сиз келибсиз...
Байрам юракда,
Юзу күздан қувонч томажак.
Сиз келибсиз,
Келибди ярмим,
Бахтим менинг бутун бұлмоқчи.
Сиз келибсиз,
Айтмангиз бироқ,
Айрилиқни совға қилмоқни,
Кетишиңгиз билмай яшайин,
Шу күнларда қолиб агадай.

* * *

Сабр косаси чатнаб боради,
Ериқдан томади юрак қонлари,
Күнгилда дарёға айланған ёшлар,
Күзлардан сел бўлиб чиқмоқ истайди.

* * *

Дараҳт шохида охирги япроқ,
Тиланиб сўрайди қолмоқ агадай,
Кузнинг раҳми келиб қолдирди, бироқ,
Юлиб олди уни қиши фасли.

* * *

Күнглимини билмасдан доғлаб қўйдилар,
Бу билан ақлимни чархлаб қўйдилар.
Макру ҳийлалардан сабоқ берганча,
Шоир кўнглимини музлаб қўйдилар.

* * *

Кел ёнимга, фақат жим ўтири,
Бир мадад бўл ҳорғин кўнглиминга,
Сўрамагин мендан ҳеч нима,
Кўзимга боқ, кўзлар сўзлашсин...

* * *

Табассум ҳадя қил илиқ, самимий,
Топ-тоза юракдан оқиб келсин ул,
Кўзларда порласин тиниқ бир ёғду,
Қалблар бир поклангай унга урилиб.

Күнгил сени сўрайди яна,
Бироқ енгил унинг сўрови,
Еллар олиб кетган умидни,
Фақат армон қўяр ўртаниб.
Сен ҳақингда тўқилмас эртак,
Шоҳ эмассан энди кўнгилга,
Кўз ёшлар ҳам оқиб бўлдилар,
Оқ қоғозга дурдек тўкилиб,
Нақш бўлиб ўйилди қалбга,
Сенинг жонсиз, совуқ сувратинг.

Юракда қолган умидим,
Кўкка чиқиб кетдинг олислаб,
Ой ёнидан бир паноҳ топдинг,
Юлдуз бўлиб кетдинг чараклаб.
Тунларимга посбон бўлиб сен,
Энди кўқдан нуринг сочарсан,
Айтмолмаган ошиқлар зорин,
Сен жимгина тинглаб ётарсан.

* * *

Мен шеър бўлиб келяпман қара,
Неча дарду ҳасрат мендадир,
Бир куй бўлиб туғилдим кеча,
Нечаларнинг ғами мендадир.
Ёнгинангдан ўтиб кетдим кўп,
Юрагингни сира очмадинг,
Сен билмадинг, бироқ жимгина,
Мен кўнглингдан бир сиқим олдим.

* * *

Баҳор деразамни чертмоқда...
Насим дарчадан шодон киради,
Офтоб ҳам тафтини қилмоқда баланд,
Мен нечун қишида қолгим келади.
Майсалар ердан бошин кўтарар,
Қизу жувонлар гулдек безанар,
Юзларга қувонч қўниб боради,
Барчаси яшариб, яшнаб боради.
Мен ҳамон қишлиарда қолгим келади,
Юрагим музлатиб юргим келади.

* * *

Ўсмир боланинг нигоҳи ерда,
Егулик нарса сўрайди...
— Етимхонаданман, катта болалар,
Ризқимиз бермай, юлиб кетади...
Титраб кетар замин бир нафас,
Бош эгади улкан шиорлар,
Бу боланинг айби — отаси,
Бу боланинг гуноҳи — она!

* * *

Тошга айлан, жажжи юрагим,
Араз-кинлар найзаси ўткир,
Унга тегиб ортига қайтсин.
Мұхаббатим, меҳрим, нафратим,
Күз ёш, севинч, соғинч, ҳижронлар,
Гүзәл ҳайкал каби тиклансин.
Тошга айлан, тошларга айлан,
Майли, тоғдек қалашсин дардлар.
Жим тургувчи, сукутда баҳтли,
Чўққили тоғ бўлиб юксалай.
Тошга айлан, тошларга айлан...

* * *

Йўллар, мени элting юртимга,
Қисқа қилинг масофаларни.
Юрагимнинг соғинчи тўлиқ,
Бир-бир экай меҳрим гулинни.
Тонг насими эсмоқда майин,
Гўё юртим нафаси келар,
Ўрик гуллаган ҳойнаҳой уйда,
Сумалаклар қайнай бошлаган...
Йўллар, мени элting юртимга!

* * *

Ёмғир ёғди тун билан тинмай,
Тун ҳам бедор ухламай чиқди.
Қиз ухларди орзулар қучиб,
Тепасига ўлтирди пари.
Қиз тушида орзиқиб учди,
Она юрти томон талпиниб,
Турналардан ҳам баланд қучди,
Теграсинда қалдирғоч, булбул,
Онасини, отасин кўрди,
Юзларига босди юзини.
Соғинчлари тўкилиб кетди,
Кўз ёш ювди тоза юзини...
Ёмғир ёғди тун билан тинмай,
Тун тушлари ёғилиб турди,
Қиз бошидан фаришта жилмай,
Ниятига етказиб турди...

— Ишлар қалай,
— Раҳмат, яхши...
Маҳзунлигим ёқмайди сизга,
Кетар пайтда яна қизиқиб,
Ҳол-аҳволим сўрайсиз тақрор.
Нима айтай сизга, устозим...
Бу дунёдан чинни топай деб,
Ёлғонларга ботдим минг бора,
Ишончларим вайрон бўлганда,
Қўл силкитдим яхши-ёмондан...
Фамгин қолди изимдан қараб,
Мени кутган улуф келажак,
Мен етмаган орзулар бўзлаб,
Ўзларини оловга отди.
Мен ортимга боқмайман энди,
Майли, йиглаб қолсин муҳаббат,
Орзуларга алданмасман бод,
Дарвеш каби яшаб ўтаман...

Одамларнинг арзу-додидан,
Тоғлар тикланса кўкка етарди
Шукроналар дарёдай оқса,
Замин жанингга айланармиди...

* * *

Бир эртак түқииди тун баҳт ҳақида,
Юлдуз күзлари порлар ҳайратдан.
Оймомо бошини суяр булутга,
Дараҳтлар шивири түхтар шу жойда.

* * *

Умримнинг қоқ ўртасида,
Хаёлга ботиб турман,
Қилган ишларим сарҳисоб этиб,
Арзирли бир-икки юмуш топаман.
Умримнинг қоқ ўртасида,
Орқамга боқаман афсусга ботиб,
Нечалаб имконлар, нечалаб вақтим,
Менга боқадилар армонга дўниб.

* * *

Мен дардларим унга айтай деб,
Сув бүйига бордим шошилиб,
У оқарди ёшларга түлиб,
Күз ёшларим ортиқча бўлди.
Мен кўнглимни ёёсам самога,
Лоақал у тингласа дедим,
Шу пайт кўкни булут тўсди-ю,
Ғамлар шаррос бўлиб қуйилди.
Мен қабрга олиб кетаман,
Умр бўйи йиқҳан ғамимни,
Асрый ғамни кўтариб ётган,
Ер оғринмай очар бағрини.

* * *

Дилимга қўнади яримта умид,
Қизиқсиниб қараган нигоҳингдан.
Чўлоқ ҳислар ҳасса толишиди,
Оқсоқланиб йўлга чиқишиди.

* * *

Дил мулкининг султони ўзинг,
Бир султонки аяmas қулин,
Ҳам севдириб, ҳам куйдириб соз,
Раҳм-шафқат кўрмадик бир оз.

* * *

Ишонч ўзин лаш-лушларини,
Йифишириб йўлга отланди,
Кўнгилдаги жойни бўшатиб,
Гумонларни қолдириб кетди.
Азобларга қолди-ку кўнгил,
Икки олов ора ёнадир,
Ёлғонларга кунлари қолиб,
Энди ўзин алдаб ўтадир.

* * *

Ҳар бир киши ҳаловат истар,
Истар руҳнинг сокинлигини,
Ҳаётдан гар кўп бўлса илинж,
Етмасмикан кўнгилга кўп ранж.

* * *

Ошиқ қалбни тоққа опчиқсам,
Кенгликларга ёйилса меҳр,
Гиёхларга сингсин сүнгги ёш,
Дув тўкилсин муҳаббат ғами,
Ошиқ қалбни чўлга опчиқсам,
Қум заррага айланса армон,
Офтоб олса ишқнинг ўтини,
Адаштирсан девона ишқни...
Мен шодон кетардим ишқдан қутулиб,
Дард билмай, бедард кетардим,
Изимга боқаман, эргашиб келар,
Маъюсгина қадрдон маъсума Севгим.

* * *

Жуда қизиқ дунё ишлари,
Ҳиссиётнинг чексиз ўйини,
Инсонларни ўйнарми дунё,
Ё дунёни ўйнайди одам...

* * *

Софинч мени ҳар күн йиқади,
Бардош кетиб борар жонимдан,
— Бугун эмас, эрта кетаман,
Дея, уни алдайман ҳар күн.
Софинчларни музлатиб тонгда,
Мен шошилиб ишга кетаман,
Кечалари ширин қимтиниб,
У ёнимда ухлаб ётади.
Софинч мени енгиб боради,
Бесаранжом танимда жоним,
Энди уни алдай олмайман,
Қайга деса, энди кетаман.

* * *

Қиши эртаклар түқиб ётибди,
Қор тушади күкдан бетиним,
Майса ухлар ернинг тагида,
Умид қаттиқ уйқуга кетган.
Кўчаларда совуқ изфири,
Иссиқ уйлар очар бағрини,
Совуқларда тўнган меҳрни,
Интиқ қалблар кутиб ётибди.

* * *

Неча нафснинг хоҳишин енгиб,
Енгил-елпи истакни қувиб,
Сен олдингта чиқиб борасан,
Шайтонларинг узоқлар сендан,
Фаришталар қошингга келар,
Ҳам амрингга мунтазир улар.

* * *

Парчаланган қалбга илашиб,
Сочилиб сўзлар ётади,
Бир-бир териб, жойлаштиромай,
Ношуд ақл ҳориб кетади.

* * *

Эгилиб уйга кирасиз,
Чўкиб кетган ташвишдан елка,
Кўзларда оғир бир нигоҳ,
Кулишга ҳам йўқ сизда мажол,
Қани бўлиб иложи бунинг,
Елкангиздан олсан юкларни,
Ясаб берсам иккита қанот,
Кўкка парвоз қўлсангиз эркин.

* * *

Күнгилга тескари юрдим, ютай деб,
Ризқимдан олдинлаб кетай деб,
Дид-истакларни йиғиштиридим,
Тақдиримдан ўзиб кетай деб.
Э, воҳ, оёқларим тойиб кетдилар,
Ёндан фаришталар учиб кетдилар,
Берган мулкини олиб кетдилар,
Кўнгилни ўзимга ташлаб кетдилар.

* * *

Руҳ билан тортишар вужуд,
Охири йўқдай улар суҳбати.
Кунлар тунга уланиб кетар,
Умр ҳам шу билан ўтиб кетгандай...
— Оловга отмагин мендай вужудни,
Айтганларим қил, яшнайди дилинг.
Эгам яратган-ку бир меҳр билан,
Шак келтиролмайсан менинг сўзимга?
(Руҳ қулоқ осмайди унинг сўзига,
Ўз эътиқодида туради маҳкам),
— Менга айтмагин нафснинг сўзини,
Қани, либосинг тезроқ тарқ этсам,
Чеки йўқ истагинг тамом унутсам.
— Бироқ Эгамнинг айтган куни бор,
Мендан кечмоғингга ҳали анча бор,
Ҳаётдан лаззат ол, ўйна, яшна, кул,
Қарагин, шунчалик гўзал-ку олам.
Руҳ маъюс тортади, ортиқ тортишмас,
Үйига, кўнгилга кириб кетади.

* * *

Оёқ-құлларини боғлаб занжирга,
Кишанлаб ташлайман ошиқ ўйларни.
Оқ капалакка айланиб улар,
Сен томон барибир учиб кетади.

* * *

Баҳор мени имлар ёнига,
Чақиради яп-яшил майса.
Енгил шамол құлдан тортади,
Юр кетамиз тоғ-адирларга.
Маңюс қолиб ўй-хаёлларда,
Мен хонадан чиқа олмайман.
Кеч киради, қайтаман уйга,
Кун аразлаб уфққа ботади.

* * *

Денгизга айланиб бораман,
Құлларим түлқин, күзларим шаффоф,
Сочларим тунлари жимирлаган сув.
Дилимдаги айтилмаган сир,
Дур гавҳарга дўниб ётади.

Сирли суҳбатлашар кўзимиз интиқ,
Нигоҳлар бўса олар ийманиб,
Итариб юрсакда бир-бири мизни,
Истаклар қовушиб бўлган қачонлар.
Мен сиздан қочаман, сиз эса мендан,
Гуноҳга ботишдан асраб ўзимиз,
На савоб, на гуноҳ билмаган туйғу,
Бизни таъқиб этар нечадир йиллар.

Тортишамиз, кимдан не кетди,
Кимдан бойлик, кимдан ор кетди,
Ким ақлли, ким эса тентак,
Ким бизларни учратиб қўйди...
Айтилмаган сўзлар айтилар,
Ҳақоратлар дув-дув тўкилар,
Бир-бир санаб ҳоримас тиллар,
Сендан нима, мендан не кетди.
Ўртамиизда юм-юм йиглайди,
Барчасига айбдор туйғу,
Лаш-лушларин йиғиширигандча,
Уйимиздан муҳаббат кетди.

* * *

Сиз менга шунчалик жабр қылдингиз,
Үзимни синадим тоғлар сабрида,
Содда бир ошиқ деб мени билдингиз,
Тобландим алдовлар азоб жабрида,
Бугун ўзгачасиз, мен ҳам ўзгача,
Кўзингизда ҳадик, қўрқув порлайди,
Айтдик бир-бировга сўнгги сўзгача,
Бизни ёт соҳиллар интиқ чорлайди,
Ҳар кимнинг дилида қолди бир армон,
Гоҳ оҳ ҳам урармиз эслаган чоғда,
У сўлим дамларга бергандик-ку жон,
Бари ҳамон бир дард дилдаги доғда.
Хайр ёшлигимнинг хазон шамоли,
Йўқотганим сизда қайтариб бўлмас,
Кўздан ўчмас асло ишқнинг жамоли,
Ҳақ бўлса севганинг муҳаббат ўлмас.
Ўргада қолгани айрилиқ фақат,
Ўкинч ва гинани йўқотинг дилдан.
Изланг тополсангиз мендайнин шафқат,
Мени илк очилган ғунчадан, гулдан...

* * *

Дард чекмайди, нола қилмайди,
Ёлғизликда қонлар ютмайди.
Энди юрак жангга отланди,
Йүлдан қоч ишқ, ол дардларингни!

* * *

Тил гапирад, дил инкор этар,
Күзлар пинҳон айлайди ошкор,
Тил гапирад, ичдан дил додлар,
Бу ёлғонга дунё чидарму?!

* * *

Ҳиссиётлар китобин ёпиб қўйдим,
Тинчгина кетсин уйқуга,
Муҳаббатга аллалар айтдим,
Кўзлари агадга ёпилсин дедим.
Хиёнаткор, ўчли, аламли,
Туйғуларни тупроқقا бердим,
Мендан энди сўраманг севги,
Мен боримни илоҳга бергум.

* * *

Кўнгил торларини чертма эй, машшоқ,
Созингни тўхтатгин, дилга солма чўғ,
Ўткинчи дунёнинг ғамин эслатма,
Охират ўйидан чалғитма эй, соҳ!

* * *

Япроқларин эркин ёзган шоҳ,
Қулоқ тутай томирларингга,
Не қайнайди ботинингда айт,
Бир сўз демай кўкка интилдинг?!

* * *

Ёлғиз дунё, ёлғизлигинг айт,
Менга яқин сирдошлигинг айт,
Умид не деб сўрама мендан,
Шароб тўлдир, кетайин бундан.
Дунё, дунё ёлғонлигинг айт,
Биз билмаган сирларингни айт,
Неча кўзни ёшга ғарқ қилдинг,
Бахт нелигин қулоғимга айт.

* * *

Сенга илашиб қолган,
Сүнгги иларни узгим келади,
Юрагим чидаб бер, ингранма ортиқ,
Бирга енгамиз ожиз ҳисларни ...

* * *

Йўқотган нарсангиз мендан излайсиз,
Бир даста самимий ҳислар гулини.
Кўзингиз ололмай тинмай қарайсиз,
Денгизнинг тубига тушгандек узук.

* * *

Не учун тўймайсан озорли дилим,
Вужудга шунчалик қийноқлар бериб,
Бир парча нонингга қаноат қилмай,
Не учун тиладим саройдек ҳаёт.
Дарвешга етарди кўнгил тинчлиги,
Хотиржам ухлашу, кўнгил софлиги,
Тонг ила бир байтни битиш баҳт эди,
Кимнинг дилини топиш тахт эди,
Не учун ўзингга тиладинг азоб,
Ризқингга ўчлашиб басма-бас юрдинг,
Борига қаноат қилмай югурдинг,
Үйингни туздингу, кўнглингни буздинг!

Девона каби бозор кезаман,
У нарсадан бунга нигоҳ ташлайман,
Аҳволим сезганлар сўрашар такрор:
— Не излайсиз айтинг, опажон?
Излаган нарсамни тополмай сарсон,
Минг хил нарсалар бисёру, мен ҳайрон,
— Укажон, мен ўзим йўқотиб қўйдим,
Ўзимни тополмай бу дилим вайрон!

Ғамдан қанча қочиб юрмайин,
У зргашар доим орқамдан,
Дилни қанча яйратай дейман,
Дард қолмайди ҳечам изимдан.
Куним севинч тутқазиб келар,
Қучоқ очар оромбахш кунлар,
Бироқ нечун ғам менга яқин,
Нечун у билан яна қоламан.

* * *

Жоним дединг, ишонгим келди,
Сүйдим дединг, суюнгим келди,
Бу дунёнинг ўйинларига,
Бир лаҳзага алдангим келди.

* * *

Наҳот муҳаббат бу, наҳот бу ҳижрон,
Наҳот сўзларинг фақат чину-рост,
Наҳот қуёшингман дилинг ёритган,
Наҳот осмонимсан бошимни қўйсам...

* * *

Кимдир баҳт суви деб, ғамни ичказиб кетди.
Кимдир бир шамол янглиғ дилимни тилиб кетди,
Умидимни саробга айлантириб кетган ким,
Бу дунёнинг аслини менга кўргизиб кетди.

* * *

Бу тун не ажаб түқилди афсоналар,
Бахт пойлар бўсағада, қарши олинг девоналар.
Куй чалар, нола чекар, неча бағри поралар,
Бир пас дунёни қўйинг, дардин айтар нолалар,

* * *

Баҳор турар эшигим чертиб,
Мен қўймайман саркаш фаслни,
Севги, баҳтдан тинмай сўйлайди,
Мен қўрқаман асир бўлишдан.
Деразамдан нурлар тўкилар,
Сахий офтоб аямас заррин,
Шивирлайди сабо қулоққа,
Бахт-иқболинг нақадар яқин.
Менга бергин дилингни бир ой,
Дала қирлар ўйнатиб келай,
Шаррос ёққан ёмғирлар янглиғ,
Фам-ташвишлар ювилиб кетгай...
Изларидан баҳт униб чиққай.
Баҳор турар зшигим чертиб...

* * *

Құлымга тутқазди рақиблар қурол,
Дилимга етказған озорларидан.
Жавоб қайтди дилдан жарангдор,
— Курашга отланғин сүнгги кунингдай.

* * *

Мұхаббатдан сүз очманг энди,
Меңр сұранг, қадрни сұранг,
Садоқатни, оқибат сұранг,
Виждон сұранг, уйғоқ руҳ сұранг!
Мұхаббатнинг сирли ипини,
Күкка отдим, илашиб қолди,
Бу сиримни бандасиданмас,
Дунё сириң шоҳидан сұранг.

СЕН КЕТЯПСАН...

Сен кетяпсан...
Кетяпсан ўйчан,
Бахт уйига кетгандек гүё,
Йўлинг бўлсин оқ.
Айланади гирдингда дунё,
Қадамингнинг фубори кимё,
Йўлинг оқ бўлсин !

* * *

Нигоҳлар, мен сизда чўмилиб олдим,
Муҳаббат дарёси узра покланиб.
Қаршингизда ўзимни қайта кашф қилдим,
Миш-мишдан, фийбатдан бир тозаландим.

* * *

Катта йўлда кичик бир жонман,
Машаққатлар ичра талашган,
Аммо кўринг бу одамларни,
Мендан фақат бўрон истарлар,
Ҳайқир, дея тинмай қистарлар.
Шошилманглар ахир одамлар,
Мен ўрганай бўрон тилини,
Озми сизга ердаги ғамлар,
Бузмоқ неча олам элини.

* * *

У бир майса, умиди катта,
Улкан чинор бўлмоқ истайди,
Илдиз отиб заминга чуқур,
Яшил нурга тўлмоқ истайди.

* * *

Қайға шошар одамлар билмам,
Охир борар жойимиз битта.
Ким нималик бўлиб олмоқчи,
Ким нимадан бўлмоқчи ҳалос...
Насибаси учун талашар,
Ризқ бўлинган бўлсаям азал,
Бахт ҳақида тўқишар эртак,
Неча бора никоҳга кирап...
Шошиб юриш, шошиб гапириш,
Шошиб яшаш... билан манзилга одамни,
Шоширади экан қай ташвиш,
Санаб берган бўлса ҳар дамни.

* * *

Бўшлиқ узра сузаман ёлғиз,
Шундай тиниқ, шунчалар сокин,
Ёт хаёлни бошдан қуваман,
Ўз-ўзимни излаб кетаман.

* * *

Салқин ҳаво ўлкани тутар,
Силкитар күз дараҳтларни,
Сўқмоқларда хазонлар ўйнар,
Табиат эркалигин эгнига ортган,
Замин бир оғир тин олиб қўяр.

* * *

Тик қараб тўёлмас соғинчга
Кўзларим кун бўйи дийдоринг истар,
Телбавор термулар ҳар қадам, изга,
Ҳар кимдан излайди сенинг ўхшашинг,
Боқади умидвор кўринган кўзга.
Учрашса... Нигоҳлар қочар шу замон,
Тик қараб тўёлмас соғинчга, баҳтга,
Ўзини муштдек йиғиб-йиғиштириб,
Барини кўмади дардли юракка!

СИЗНИ ТАНИДИМ

Сиз учган баландлик,
Сиз чиққан чўққи,
Кўпларнинг бошини айлантиради,
Сиз билган дунёни бошқалар билса,
Дунёдан бошини олиб кетади.

ЖИМГИНА КЕТАСИЗ...

Жимгина...
Гоҳ, жигарин ичдан кечириб,
Жим йўлига кузатар Она,
Гоҳ, ўғлини йўқотиб қўйиб,
Юрагини ғашлайди Ота,
Гоҳо, кечириб алдаб кетганни,
Сотқинларга ён босасиз гоҳ,
Гоҳ, севгидан азоб ичида,
Кўз юмиб кетасиз... Жимгина.

* * *

Ҳаёт, сени энди танидим,
Синовингга туриб бердим тик.
Бахт-бахтсизлик яшар ўзимда,
Руҳимда, кўксимда, вужудда
Билдим!

* * *

Чил-чил узилса юрак торлари,
Дилим ҳам ёйилса замин бағрина,
Ғамларим чириса, туйғулар ўлса,
Учиб бўлармикан шунда қуш бўлиб.

* * *

Сиз кетарсиз...
Кетарсиз қушдек,
Неча қушнинг кўнглини бузиб.
Сиз кетарсиз,
Кетарсиз бедард,
Неча дилнинг риштасин узиб.
Сиз кетарсиз..
Кулиб, жилмайиб,
Нечаларни умидвор этиб.

* * *

Охирги йўл қабр!
Ортга қайтиш йўқ!
Зирқирайди вужуд гуноҳларидан,
Кўнгил типирчилар,
— Кимни ранжитдим?...
Тавба-тазарруга қолганму вақтим?!

* * *

Фолибона назар ташлайсиз,
Руҳингизда тантана бу кун.
Сиз нимани қойил қилдингиз,
Барча ҳайрон тишлаб бармоғин.
Чўккан дилни тоғ қилдингизми,
Ё бир ғариб томин ёпдингиз,
Ё бегараз бир тадбир бирла,
Фамнинг кўзларига пахта қўйдингиз?..

Сўзлар ҳийлалардан, макрдан тоза,
Кўзлар тиниқ булоқ, қаҳрдан тоза,
Қилиқлар бешубда зебо илтифот,
Юракнинг амри ҳам жаҳлдан тоза.

Бир ишонч билан боқдингиз,
Хурмат ёғилади нигоҳингизда,
Эгилган қаддимни фоз тутдим шу дам,
Ногаҳон мен бахтга урилиб кетдим.

Юракда қолган умидим,
Кўкка чиқиб кетдинг олислаб,
Ой ёнидан бир паноҳ топдинг,
Юлдуз бўлиб кетдинг чарақлаб.
Тунларимга посбон бўлиб сен,
Энди кўқдан нуринг сочарсан,
Етолмаган ошиқлар зорин,
Сен жимгина тинглаб ётарсан.

* * *

Мен бир асир мұҳаббат ичра,
Бу бир қафас абадға кетган,
Бунда ошиқ маңшүқсиз яшар,
Бунда ғамлар баҳт деб топилған.

* * *

Үйқусираб туриб кетганда,
Йүқотганим ўйлаб кетаман,
Бүшлиқ узра нени излайман,
Бари йүқлик, кетар йүқликка!

Бахтнинг қўлларида эркаланар нур,
Кўзларга юқади нур жилолари,
Заминнинг кўксига қўйиб бошини,
Бахтнинг овозига қулоқ тугади...

Бир эртак тўқийди тун баҳт ҳақида,
Юлдуз кўзлари порлар ҳайратдан,
Оймомо бошини суяр булатга,
Дараҳтлар шивири тўхтар шу жойда.

Жиддий нигоҳ саволга тутар,
Сен нимани дўндириб қўйдинг,
Ўтиб кетди орадан йиллар,
Лоақал бир сўз айта олмадинг...
Ўткир кўзлар титкилар ўйни,
Гумонлари бордай менга кўп.
Камтарлиқдан камчилик топган,
Соддаликни гўлликка йўйган.
Сокин оққан дарёнинг кучин,
Жим тургувчи тоғларнинг зарбин,
Ҳамма дардни жим ютган ернинг,
Қудратини наҳот билмас у.

* * *

Кўзинг четида мәҳр йилтиллар,
Биламан, бу менга аталган ҳадя,
Лабингга қўнган ажиг табассум,
Тақдирдан сирли башорат сўйлар.

* * *

Тор чалар юрак,
Ҳис уйғонади,
Кўй ўйларни олиб қочади.
Сўз яралади,
Тун инояти,
Бошинг узра ёғилаверади.
Дил ўртанади,
Титрайди оқшом,
Шеър уммони тортиб кетади.

* * *

Терак барглари шиддат-ла ўйнар,
Топаёттандек оромни бундан,
Исёнга келади гүё жаҳони,
Бақиргиси келиб шовқин солади.
Узилгиси келар шоҳлардан,
Узоқларга сайр қилгиси,
Баҳор, ёзда ўйлаганларин,
Кенг жаҳонга келар ёйгиси.

* * *

Оппоқ дала, ойдин бир қишлоқ,
Кўқдан ёғди оқлик беҳисоб,
Юрт қўйнига қўнди умидлар,
Ризқ ёғилди халққа беминнат.

* * *

Азизим бизга аталған қисса,
Тугамоқ олдида ўйчан турибди,
Мұйсафид мисол ҳассага сұяниб,
Сокин хәёлга ботиб турибди.
Құл қалтирар ёза олмайин,
Сүзлар келмайди дадилроқ ўқтам.
Сочлари оқарған мұйсафид-туйғум,
Менга қураб кулиб турибди.

* * *

Энг кучли аәл, метин аәл ҳам,
Суянсам дейди, майли бұлсын тош,
Энди йигламайман, ёт бұлсын күз ёш,
Десада, бир куни йиғлайди түйиб.

* * *

Бир-бир түқилади меҳр барглари,
Қуриб бораётир муҳаббат бөғи,
Уҳ тортиб ғижирлар қари дарахт,
Чуқур илдизини босади уйқу.

Севги торини олиб қўлига,
Ҳижрон куйини чалсин дилгинам,
Ҳеч ким куйламаган ажиб навони,
Минг азоб ичра битсин бу алам,
Жон олиб чалгин, эй машшоқ,
Мудроқ диллар уйғониб кетсин,
Ларзага сол дардсиз юракни,
Майли, олам бир титраб кетсин.

Ўкириб йиғласанг, қолмаса дилда,
Заррача қайғунинг учқунлари,
Жаладай қўйилиб кетсанг заминга.
Изингдан майсалар бир текис ўсса.
Сенга қўшилиб дунё йиғласа,
Йиғласа нечадир бағри кемтиклар,
Ер ҳам силкиниб-силкиниб деса,
Қачон келар экан дунёнинг сўнгти...

* * *

Эй муаллақ турган томчижсін,
Құлымга түш, бұлғын сен қувонч,
Менга сўйла күрганларингни,
Қай поқлиқдан яралганингни...

* * *

Азиз бу тупроқнинг ҳар зарри,
Ҳар бир нафас иноят асли,
• Күкда қуёш нури beminnat,
Ҳар томчи сув омонат мисли.

* * *

Айрилиқ яқиндир, яқиндир фироқ,
Пичирлар қулоққа бешафқат тақдир,
Күзларда ёш, дилда армонлар,
Бир чуқур қабрни қазииди фироқ.
Алвон атиргулнинг барги тўкилар,
Куз ҳазонларни телбавор ўйнар,
Осмоним тутади қора зағчалар,
Айрилиқ яқиндир, яқиндир фироқ.
Сезги ҳукмидан қочмоқчи кўнгил,
Паноҳ излайди умид бағридан,
Нажот йўқ, нажот йўқ, олдинда фироқ,
Ёлғизлик азроил каби изғийди...

* * *

Бир гул бўлиб ўсиб чиқсайдим,
Қаттиқ тупроқ бағрини ёриб,
Кимга қувонч, кимга баҳт бўлиб,
Яйратсайдим кемтик дилларни.

Сиз кетибсиз,
Индамай секин,
Изингиздан қулади бино.
Сиз кетдингиз,
Күнгиллар бўм-бўш,
Бундан гўё кетгандай дуне...
Қайтармикан?
Сезгилар жим-жит,
Сабо силар ғамгин бошларни.
Қайтармикан,
Фол очар умид,
Интиқ қараб кетган изларни.

Бир тубсиз денгиз мени ютсайди,
Ютсайди барча ҳис-туйғуларим,
Бир алвон денгиз замин ўпарди,
Соҳилни юварди армонли тўлқин.

* * *

Құрқувни енган лашкар мисоли,
Дунёда бир мардча яшамоқ истаб,
Ёлғон ичидан отилиб чиқиб,
Чинга айланиб ўлмоқ истайман!

* * *

Ярим тун. Қүшлар ҳам инида ухлар,
Шаҳар ғовури босилиб кетган,
Чарчаган заминни тун аллалар,
Сокинлик бағрида шаҳар жим ётар.
Күчада шамоллар ўйнаб юришар,
Бир-бирин қувлаб бир жойда турмас,
Гүёки бир сирни билар тинчимас.
Оlamга ёя олмай оёғи куяр.

* * *

Тоза иймон билан ухламоқ,
Энг баҳтлилар уйқуси эрур,
Тану дилинг ғубордан холи,
Фариштага менгзаниб борур.

* * *

Хаста дилим юртни соғинди,
Катта-кичик, яхши ёмонни.
Үнқир-чүнқир, пасту баландни,
Чүлини-ю бир сиқим лойни.
Хаста дилим уйни соғинди,
Ҳар бир ғыштни, томни, шийпонни.
Ҳар бир жиҳоз қадрият бўлиб,
Эслатади болалик онни.
Хаста дилим торлари таранг,
Ҳар торида онам соғинчи.
Қўл теккизманг, оғритманг, аранг,
Дийдор умидига илашган ипни...

* * *

Дўст келдиму ғамларимга шерик бўлиб,
Ҳаёт оғирини қўлларимдан олмоқ бўлиб.
Бергим келмас менга етган насибани,
Ташвиш, ғаму баҳт-қувончдан кўнглим тўлиқ.

* * *

Менга боққан күзларда ишонч күрдим,
Баҳор күрдим ёзларини кутиб турған.
Үмид күнгән ғұнчаларда қуёш күрдим,
Тонгни күрдим саватида ҳосил йиққан.

* * *

Бош згаман, қалб згаман, руҳ згаман,
Хақиқатдан сабоқ берган дүстларимга.
Жоним садқа, қалбим садқа бу йүлларда,
Тонг оттириб қалблар суҳбат қурған онга...

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Н.Комилов. «Рұхий лақзалар тасвири...» | 3 |
| «Тонглар ҳайрон сизни тополмай...» | 5 |
| «Онажоним...».. | 5 |
| Билмадинг | 6 |
| Хаёл уйғоқ | 6 |
| Суқунат бекати | 7 |
| «Не керак сенга вужуд бенуқсон...» | 7 |
| «Құнғил ғариблик ичидә вайрон...» | 7 |
| «Бошини зәди шамол оқиста...» | 7 |
| Сенсиз күн ботмоқда | 8 |
| Мен кетажак юрт одати сукут | 8 |
| Аәл бошим билан... | 9 |
| Булатларга сүянгап жолдуз | 9 |
| «Сиз қоласиз маъюс кузатиб...» | 9 |
| Юрагим останасида | 10 |
| Умидим ухлайди | 10 |
| «Омонат баҳт, омонатинг ол...» | 11 |
| «Азизим, ҳижроннинг куни битмоқда...» | 11 |
| «Офтоб нурларин сочар беминнат...» | 11 |
| «Қор ёғмоқда зерінмай секин...» | 12 |
| «Менга метин қалқон қолдириңг...» | 12 |
| «Үйқудан үйғондым ! Очилди күзим...» | 12 |
| «Чиройлисиз...» | 13 |
| «Мени нигоҳингда асралып шунча...» | 13 |
| «Биз энди бегона бир-бirimizga...» | 13 |
| «Денгиз соҳили... Пишқирап түлқин...» | 14 |
| «Сизсиз... Сүхбатлар сүхбат эмасдур...» | 14 |
| «Булут күз ёшларин заминга түкди...» | 15 |
| «Қор ёғади, зериниб секин...» | 15 |
| Келяпсиз... | 15 |
| «Андиша отини құрқоқ қўймадим...» | 16 |
| Сабр — раҳнамо | 16 |
| Бу күзлар | 16 |

| | |
|--|----|
| «Ёлғизлик, бахтсизлик түнини ёпиб...» | 17 |
| Яңги бир зұтак | 17 |
| «Қалбға олдин мәхр әкмасдан...» | 17 |
| Бу уйда... | 17 |
| «Сиз төгсиз, биз туфроқ сизни күтарған...» | 18 |
| Куз күнлари | 18 |
| «Бир фаришта яшайды тиілсіз..» | 19 |
| Япроқлар түқилар | 19 |
| Авлиёға үхшаб борасан | 20 |
| Бир поклик излаб | 21 |
| «Севидан кечдіму, сендан кечолмадим..» | 21 |
| «Яшаш мүмкін...» | 21 |
| «Нигоҳинг залвори олдинги эмас...» | 22 |
| «Азизим, бир сүз де, күнгил тинчисин...» | 22 |
| «Вақтнинг ўтқир тишилари...» | 22 |
| «Сиз келибсиз...» | 23 |
| «Сабр косаси чатнаб боради...» | 23 |
| «Дараҳт шохида охирги япроқ...» | 23 |
| «Күнглимини билмасдан доғлаб қўйдилар...» | 24 |
| «Кел ёнимга, фақат жим ўтири...» | 24 |
| «Табассум ҳадя қил илиқ, самимий...» | 24 |
| «Кўнгил сени сўрайди яна...» | 25 |
| «Юракда қолган умидим...» | 25 |
| «Мен шеър бўлиб келяпман қара...» | 26 |
| «Баҳор деразамни чертмоқда...» | 26 |
| «Ўсмир боланинг нигоҳи ерда...» | 27 |
| «Тошга айлан, жажжи юрагим...» | 27 |
| «Йўллар, мени элтинг юртимга...» | 28 |
| «Ёмғир ёғди тун билан тинмай...» | 28 |
| «Ишлар қалай...» | 29 |
| «Одамларнинг арзу-додидан...» | 29 |
| «Бир зұтак түқииди тун бахт ҳақида...» | 30 |
| «Умримнинг қоқ ўртасида...» | 30 |
| «Мен дардларим унга айтай деб...» | 31 |
| «Дилимга қўнади яримта умид...» | 31 |
| «Дил мулкининг султони ўзинг...» | 32 |
| «Ишонч ўзин лаш-лушларини...» | 32 |
| «Ҳар бир киши ҳаловат истар...» | 32 |
| «Ошиқ қалбни тоққа опчиқсам...» | 33 |
| «Жуда қизиқ дунё ишлари...» | 33 |
| «Софинч мени ҳар кун йиқади...» | 34 |

| | |
|--|----|
| «Киш эртаклар түқиб ётибди...» | 34 |
| «Неча нафснинг хоҳишин енгигиб...» | 35 |
| «Парчаланган қалбга илашиб...» | 35 |
| «Эгилиб уйга кирасиз...» | 35 |
| «Кўнгилга тескари юрдим, ютай деб...» | 36 |
| «Руҳ билан тортишар вужуд...» | 36 |
| «Оёқ-қўлларини боғлаб занжирга...» | 37 |
| «Баҳор мени имлар ёнига...» | 37 |
| «Денгизга айланиб бораман...» | 37 |
| «Сирли суҳбатлашар кўзимиз интиқ...» | 38 |
| «Тортишамиз, кимдан не кетди...» | 38 |
| «Сиз менга шунчалик жабр қилдингиз...» | 39 |
| «Дард чекмайди, нола қилмайди...» | 40 |
| «Тил гапирав дил инкор этар...» | 40 |
| «Ҳиссиётлар китобин ёпиб қўйдим...» | 40 |
| «Кўнгил торларини чертма эй, машшоқ...» | 41 |
| «Япроқларин эркин ёзган шоҳ...» | 41 |
| «Ёлғиз дунё, ёлғизлигинг айт...» | 41 |
| «Сенга илашиб қолган...» | 42 |
| «Йўқотган нарсангиз мендан излайсиз...» | 42 |
| «Не учун тўймайсан озорли дилим...» | 42 |
| «Девона каби бозор кезаман...» | 43 |
| «Фамдан қанча қочиб юрмайин...» | 43 |
| «Жоним дединг, ишонгим келди...» | 44 |
| «Наҳот муҳаббат бу, наҳот бу ҳижрон...» | 44 |
| «Кимдир баҳт суви деб, ғамни ичказиб кетди...» | 44 |
| «Бу тун не ажаб тўқилди афсоналар...» | 45 |
| «Баҳор турад эшигим чертиб...» | 45 |
| «Қўлимга тутқазди рақиблар қурол...» | 46 |
| «Муҳаббатдан сўз очманг энди...» | 46 |
| Сен кетяпсан... | 47 |
| «Нигоҳлар, мен сизда чўмилиб олдим...» | 47 |
| «Катта йўлда кичик бир жонман...» | 48 |
| «У бир майса, умиди катта...» | 48 |
| «Қайга шошар одамлар билмам...» | 49 |
| «Бўшлиқ узра сузаман ёлғиз...» | 49 |
| «Салқин ҳаво ўлкани тутар...» | 50 |
| «Тик қараб тўёлмас соғинчга...» | 50 |
| Сизни танидим | 51 |
| Жимгина кетасиз | 51 |
| «Ҳаёт, сени энди танидим...» | 52 |

| | |
|--|----|
| «Чил-чил узилса юрак торлари...» | 52 |
| «Сиз кетарсиз...» | 52 |
| «Охирги йўл қабр...» | 53 |
| «Фолибона назар ташлайсиз...» | 53 |
| «Сўзлар ҳийлалардан, макрдан тоза...» | 54 |
| «Бир ишонч билан боқдингиз...» | 54 |
| «Юракда қолган умидим...» | 54 |
| «Мен бир асир муҳаббат ичра...» | 55 |
| «Уйқусираб туриб кетганда...» | 55 |
| «Бахтнинг қўлларида эркаланаар нур...» | 56 |
| «Бир эртак тўқиёди тун бахт ҳақида...» | 56 |
| «Жиддий нигоҳ саволга тутар...» | 56 |
| «Кўзинг четида меҳр йилтиллар...» | 57 |
| «Тор чалар юрак...» | 57 |
| «Терак барглари шиддат-ла ўйнар...» | 58 |
| «Оппоқ дала, ойдин бир қишлоқ...» | 58 |
| «Азизим бизга аталган қисса...» | 59 |
| «Энг кучли аёл, метин аёл ҳам...» | 59 |
| «Бир-бир тўқилади меҳр барглари...» | 59 |
| «Севги торини олиб қўлига...» | 60 |
| «Ўкириб йиғласанг, қолмаса дилда...» | 60 |
| «Эй, муаллақ турган томчижон...» | 61 |
| «Азиз бу тупроқнинг ҳар зарри...» | 61 |
| «Айрилиқ яқиндир, яқиндир фироқ...» | 62 |
| «Бир гул бўлиб ўсиб чиқсайдим...» | 62 |
| «Сиз кетибсиз...» | 63 |
| «Бир тубсиз денгиз мени ютсайди...» | 63 |
| «Қўрқувни енгган лашкар мисоли...» | 64 |
| «Ярим тун. Қушлар ҳам инида ухлар...» | 64 |
| «Тоза иймон билан ухламоқ...» | 64 |
| «Хаста дилим юртни соғинди...» | 65 |
| «Дўст келдиму ғамларимга шерик бўлиб...» | 65 |
| «Менга боқсан кўзларда ишонч кўрдим...» | 66 |
| «Бош эгаман, қалб эгаман, руҳ эгаман...» | 66 |

Адабий-бадиий нашр

УМИДА ХУДОЙБЕРГАНОВА

ЕФДУ

**Муҳаррир
Азиз САИД**

**Бадиий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ**

**Техник муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО**

**Мусаҳдиқ
Маъмура ҚҰТЛИЕВА**

**Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА**

Босишига 26.03.2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоги 4,5. Шартли босма тобоги 3,78.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 63
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбая марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс - 173-00-14; e-mail: yangiastravlodi@mail.ru